

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АХРАРОВА НАИМАХОН ҚОБИЛОВНА

**ГЕМОФИЛИЯ БЕМОРЛАРИДА ОСТЕОПОРОЗ СИМПТОМЛАРИ
КОМПЛЕКСИНИ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

УДК: 616.151.514:616.72-007.248-073.75(574)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахрарова Наимахон Қобиловна

Гемофилия беморларида остеопороз симптомлари
комплексини клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш..... 3

Ахрарова Наимахон Қобиловна

Изучение особенностей клинико-лабораторного
симптомокомплекса остеопороза у больных гемофилией..... 27

Akhrarova Naimakhon Kobilovna

Study of features of clinical and laboratory symptomocomplex
of osteoporosis in patients with hemophilia..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АХРАРОВА НАИМАХОН ҚОБИЛОВНА

**ГЕМОФИЛИЯ БЕМОРЛАРИДА ОСТЕОПОРОЗ СИМПТОМЛАРИ
КОМПЛЕКСИНИ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

14.00.29– Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2019.2.PhD/Tib994 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.tma.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудова Азиза Джумановна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Бабажанова Шоира Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Баховадинов Бурхониддин Баховиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «9» ноябр соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (795 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» октябр кuni таркатилди.

(2021 йил «28» октябр даги 15 рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.М. Нуриллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Гемофилия кон яратиш тизимининг оғир ва ирсий касалликларидан биридир. Бу хасталик эрта болалик даврида бўғимларда, мушакларда, аъзоларда такрорий кон куйилишлар билан намоён бўлади, натижада иш қобилиятининг пасайиши ва беморларнинг эрта ногиронлиги юзага келади. Гемофилия хасталигидаги суяк синишлари кам учрайдиган ва кам ўрганилган патология ҳисобланади. Гемофилияда суякларни синиши умумий популяцияга қараганда бу хасталикда юқори эканлиги таъкидланган, «...умумий популяцияда фақатгина 5% суяк синишларигина тегишли сабаблар туфайли деб ҳисобланади (жиддий шикастланишлар, кучли жисмоний таъсирлар натижасида синиш)...»¹. Асосий олиб келувчи омил гемофилик артропатия билан боғлиқдир, натижада остеопорознинг ривожланиши ва периартикуляр зонада суякнинг синишини келиб чиқаради.

Жаҳонда бир гуруҳ гемофилия ҳасталарида остеопеник синдромнинг мавжудлиги ва яққоллиги бўйича қатор илмий- тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ушбу беморларда гемофил артропатия билан оғриган бўғимга ичи суяклар эпифизида ривожланадиган шикастланишларга нисбатан анча кенг тарқалган остеопения аниқланади. Беморларда остеопороз ва остеопениянинг биокимевий белгиларини, суяк минерал зичлиги (СМЗ)нинг пасайиш даражаси билан остеокальцин ва гомоцистеин таркибидаги остеопорознинг ўзига хос белгилари сифатида ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, остеопеник синдромни (ОСС) тушунтириш учун етарли далиллар аниқланмаганлиги сабабли, сурункали коагуляция омиллари етишмовчилиги (ҳали маълум бўлмаган омиллар туфайли) мустақил равишда остеопения билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги, замонавий гемостатик ўринбосар даво муоалажалари гемофилия билан ҳасталанган беморларга фаол турмуш тарзини олиб боришга имкон бериши алоҳида касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Юқорида қайд этилган вазифалар гемофилия беморларида остеопороз симптомлари комплексини клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш орқали касалланиш, ногиронлик ва ўлим

¹Forsyth A.L., Quon D.V., Konkle B.A. Role of Exercise and Physical Activity on Haemophilic Arthropathy, Fall Prevention and Osteoporosis // Haemophilia. – 2011. – Vol.17, N5. – P.870-876

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

кўрсаткичларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифати ҳамда прогнозини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985 «Шошилинч тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590–сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда дунёнинг кўплаб тадқиқот ва илмий марказлари гемофилия ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ва унинг асоратларини аниқлаш, башорат қилиш ва даволашнинг янги усулларини излаш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда (Franchini, M., Mannucci, P.M., 2017). Мушак-скелет тизимининг шикастланишлари бўйича тадқиқотлар давом этмоқда, унга кўра тегишли даволаш ва профилактика чоралари қилинмаса ногиронликка олиб келиши мумкин (Gupta, S., Garg, K. & Singh, J. 2015; Parker M. J. S., et al. 2016). Асоратларнинг энг машҳури бўғимларнинг шикастланиши – остеоартроз. Шу билан бирга, остеопорозга олиб келадиган суяк зичлигининг пасайиши ҳам кўп ҳолларда учрайди (Roushan N. et. al. 2014).

Гемофилияда остеопороз ва артрознинг янги диагностик мезонларини қидириш дунёнинг илмий марказларида олиб борилмоқда (Sahin S. et. al. 2019; Salomon T. et al. 2017; Schafer G.S. et al. 2016; Sierra A.C. et al. 2014; Simpson M.L., Valentino L.A. 2012). МДХ мамлакатларида ҳам гемофилияда остеопорознинг ташҳислаш ва башоратлаш муаммолари билан ҳам шуғулланмоқдалар (Алабут А. В. и соавт. 2013; Алексеева Л.И. и хаммуал. 2018; Андреев Ю.Н. 2012). Денситометрия каби замонавий ташҳислаш усуллари алоҳида эътибор берилди (Абдраҳманова Ж.С., 2015). Ультратовушли денситометрия ОП ташҳисида катта ҳисса қўшади ва ўз вақтида ташҳис қўйиш имкониятини беради. Аниқроқ ташҳис қўйиш усули - ОП диагностикаси учун олтин стандарт - бу ДEXA (дуалэнергетик рентген денситометрияси). Афсуски, уни йирик клиник ташҳислаш ва илмий-амалий марказларда ишлатиш мумкин. Гемофилияда пайдо бўлган остеопорозни даволашнинг янги усулларини излаш давом этмоқда.

Хозирги вақтда мушак-скелет тизими касалликлари ва хусусан, гемофилия билан оғриган беморларда остеопорознинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш Фарбнинг етакчи илмий ва амалий марказларида олиб борилмоқда (Cosman, F. et al., 2014). Остеопорознинг янги мезонларини излаш турли тадқиқотчилар томонидан хусусиятларни аниқлаш асосида амалга оширилади (Dagli M. et al., 2018; Eldash Н.Н. . et al., 2017; Forsyth A.L. et al., 2011).

Олимларнинг тадқиқотлари остеопороз ривожланишида фолат занжири метаболитларининг индивидуал маркерларининг диагностик аҳамиятини исботлади (Бородич Т.С., 2015). Муаллифларнинг фикрига кўра, фолат занжирининг бузилиши гемофилия билан оғриган беморларда кузатилиши мумкин (Каргин В. Д. и соавт. 2017).

Сўнги вақтларда бутун дунёда гемофилия хасталигида метаболит ўзгаришларга катта эътибор берилмоқда (Каргин В. Д. и ҳаммуал., 2016; Абдурахманова Ж.С. ва ҳаммуал., 2015).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган гематология илмий тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИТСС-14-2 “Касалликларнинг янги кенг қамровли дастурини клиник амалиётга киритишни ишлаб чиқиш, ташҳис қўйиш, даволаш, ирсий коагулопатияларнинг кенг тарқалган шакллари олдидан олиш” грант лойиҳаси доирасида (2012-2014 й) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник ва лаборатор белгилар мажмуаси хусусиятларини ҳамда гемофилия билан оғриган беморларда остеопорозни даволаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

остеопорознинг тарқалишини, “А” ва “В” гемофилия билан касалланганлар орасида асоратларнинг тузилишини ҳамда хусусиятини аниқлаш, гемофилия билан оғриган беморларда остеопороз ва остеопениянинг биокимёвий белгиларини баҳолаш.

гемофилия билан оғриган беморларда суяк минерал зичлиги (СМЗ)нинг пасайиш даражаси билан остеокальцин ва гомоцистеин таркибидаги остеопорознинг ўзига хос белгилари сифатида ўзаро боғлиқликни аниқлаш.

гемофилия билан оғриган беморларда остеопорозни даволаш усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида асосий гуруҳ гемофилия билан касалланган 120 бемор: гемофилия “А”-105 (87,5%) ва гемофилия “В”-15 (12,5%); икки гуруҳга бўлинган (ҳар бири 60 бемор) стандарт ва мураккаб антирезорбтив терапия ўтказилган беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида вена қони ва зардоб, суяк денситометрияси натижалари ва рентгенография маълумотлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда клиник-биокимёвий (остеокальцин ва гомоцистеин), рентген, ультратовуш денситометрия ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гемофилия “А” ва “В” билан оғриган беморларда VIII ва IX қон ивиш омиллари турига, оғирлигига, ёшига ва ингибиторлари мавжудлигига қараб геморрагик синдром ва ортопедик ҳолатнинг хусусиятлари аниқланган;

илк бор гемофилия “А” ва “В” касалликлари асоратларнинг табиати ва тузилиши геморрагик синдромга, ўринбосар трансфузион даволашга ва мушак-скелет тизимининг бузилишига боғлиқ ҳолда асосланган;

гемартроз давомийлиги ва оғирлик даражаси кўрсаткичлари гемофилияда остеопороз ривожланиш даражасини ортиши ҳамда остеокальцин ва гомоцистеин ортиши орасидаги боғлиқлик аниқланган;

остеопороз билан кечувчи гемофилия билан оғриган беморларда антирезорбтив даво самарадорлиги ва хавфсизлиги баҳоланиб, касалликнинг белгилари камайишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

белгиланган вазифаларни ҳал қилишда ташҳислаш тактикаси ва гемофилия билан оғриган беморларда остеопорозни даволашда дифференциал ёндашув тавсия қилинган;

патологик синишлар сонини сезиларли даражада камайтирадиган остеопорознинг олдини олиш учун профилактика дастурлари ишлаб чиқилган;

гемофилия билан оғриган беморларда артропатия даражасига қараб остеопорозни денситометрик тадқиқ қилиш усули клиник амалиётга тадқиқ этилган;

гемофилия беморларида бисфосфонатлар ва бўғимларни тиклашга қаратилган дори-дармонларни остеопорозни олдини олиш ва тузатиш усуллари сифатида киритиш билан комплекс антирезорбтив терапия заруриятига асосланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланиладиган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник-инструментал, лаборатор усуллар ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган маълумотларни халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, хулосалар ҳамда олинган натижаларнинг асосланганлиги ва уларнинг ишончлилигини ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гемофилия билан оғриган беморлар орасида остеопорознинг тарқалиши, остеокальцин ва гомоцистеин ортиши, суяк тўқималарининг артропатия даражасига қараб денситометрик хусусиятлари, гемофилияда суяк минерал зичлиги (СМЗ) пасайиши остеопороз ривожланиш даражасини ортишини белгилаши ҳамда ишлаб чиқилган даволаш усуллариининг самарадорлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўлга киритилган натижалар асосида шакланган амалий тавсияларнинг тадбиқ этилиши, беморларни эрта ташҳислаш ва даволаш режасини тузиш, касалликнинг авж олишини секинлаштиришга олиб келиши билан ифодаланиб, ушбу натижалар ёрдамида гемофилия билан касалланган беморларнинг ҳолатини назорат қилиш, касалхонага даволаниш кунларини камайиши ҳамда эрта ногиронлик юзага келиш хавфини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини яхшилашга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гемофилия беморларда остеопороз симптомлари комплексини клиник лаборатор хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гемофилия билан оғриган беморларда остеопения ва остеопорозни эрта ташҳислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Гемофилия билан оғриган беморларда остеопения ва остеопорозни эрта ташҳислаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2021 йил 4 мартдаги 8н-р/90-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гемофилия касаллигида остеопороз ва остеопения кечишини ва эрта ташҳислашни муқобиллаштириш имконини берган;

гемофилия билан оғриган беморларда остеопения ва остеопорозни кечиши, ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2021 йил 10 сентябрдаги 08-09/11827-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, эрта ташҳислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, келиб чиқадиган асоратларни ўз вақтида олдини олишни муқобиллаштириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 3 таси халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан

ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гемофилия билан оғриган беморларда остеопороз муаммосини ўрганишни замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида остеопороз, гемофилияли беморларда уни ривожланиши, гемофилияли беморларда остеопорозни эпидемиологияси, этиологияси, клиникаси, ташҳислашнинг асосий усуллари ва коррекция қилиш тўғрисидаги умумий маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва усуллари ёритилган. Суякни минерал зичлиги (СМЗ), гематологик, коагулологик, биокимёвий, иммуноферментатив ва статистик тадқиқот усуллари тўғрисидаги батафсил маълумотлар келтириб ўтилган.

Тадқиқотга Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий марказининг гемофилия ва қон тизими депрессияси бўлимида ҳисобда турувчи 1 ёшдан (min) 54 ёшгача (max), бўлган эркак жинсидаги 120 нафар “А” ва “В” гемофилия билан оғриган беморлар киритилган. Текширилганларнинг ўртача ёши 27,5 ёшни ташкил этади.

“А” ва “В” гемофилияли 120 нафар беморлар танлаб олинган бўлиб, улардаги суяк тузилмасида ўзгаришлар, жумладан суякнинг минерал зичлигини пасайиши (остеопороз) аниқланди, улардан 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган “А” гемофилияли – 105 (87,5%) беморлар ва “В” гемофилияли -15 (12,5%) беморларни ташкил этади.

Суякларнинг минерал зичлиги (СМЗ) бўйича 120 нафар беморлар иккита – суякларни синиш ҳавфи бўлган (остеопорозли) ва ҳавфи бўлмаган (остеопорозсиз) асосий гуруҳга ажратилди.

Ҳар икки гуруҳ беморлари кичик гуруҳларга бўлинган бўлиб, улардан биринчи кичик гуруҳдаги беморлар фақат стандарт даволашни, иккинчи кичик гуруҳдагилар мажмуавий даволашни қабул қилганлар (1 жадвал).

1-жадвал

Стандарт ва мажмуавий даволашни қабул қилган суяклар синиши ҳавфи бўлган ва ҳавфи бўлмаган беморларни тақсимланишини умумий схемаси

Гуруҳлар	Остеопорозли (n=93)	Остеопорозсиз (n=27)
Стандарт даволаш	40	14
Мажмуавий даволаш	53	13

Ҳар икки тадқиқот гуруҳидаги барча беморларда:

- ✓ Кальций препаратлари (Ca) (500-1000 мг/сут);

- ✓ витамин Д (D) (800-1000 МЕ/сут);
- ✓ бифосфонат (алендронат 6 ойдан 1 йилгача бўлган муддатда ҳафтада 1 марта 70 мг дозада);
- ✓ яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари (ЯҚНД): мелоксикам 15 мг (таблеткалар, per os) ларни қамраб олган стандарт даволаш ўтказилди.

Мажмуавий даволаш қуйидаги компонентларни қамраб олди:

- ✓ Са препаратлари (500-1000 мг/сут);
- ✓ витамин Д (800-1000 МЕ/сут);
- ✓ бифосфонат (алендронат 70 мг ҳафтада бир марта 6 ой давомида);
- ✓ яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари (ЯҚНД): мелоксикам 15 мг (таблеткалар, per os);
- ✓ хондроитин сульфат 6 ой давомида суткада 2-3 марта 500 мг дозадаги таблеткалар;
- ✓ 1 ой давомида В гуруҳ витаминларининг мажмуаси(Витабен) (Витамин В₁ (15 мг) + витамин В₆ (15 мг) + витамин В₆ (15 мг) + витамин В₁₂ (25 мкг) + Пантотен кислотаси (23 мг) + Ниацин (50 мг) + Биотин (200 мкг)) таблеткаларини per os қабул қилиш.

Назорат гуруҳини эркак жинсидаги (донорлар) 20 нафар соғлом шахслар ташкил этди, уларни ўртача ёши $36,7 \pm 1,85$ йилни ташкил этди.


Натижаларни статистик қайта ишлаш Манн-Уитни мезони, «Microsoft Office Excel 2007» ва «Биостатистика 4.03» дастурлари ёрдамида шахсий компьютердаги махсус дастур пакетини қўллаш билан ўтказилди. Статистик ишончлилик мезони бўлиб $p < 0,05$ хизмат қилади.

Диссертациянинг «Гемофилияли беморларда остеопороз маркерларини текшириш натижалари» деб номланган учинчи бобида остеопороз ва остеопениянинг биокимёвий маркерлари, гемофилияли беморларда плазмакоагуляцион гемостаз параметрларини ўрганиш, гемофилияли беморларда суяк тўқимасининг минерал зичлигини ўрганиш, “А” ва “В” гемофилияли беморлардаги асоратлар тавсифи ва тузилмаси, клиник ўзига хосликларини ўрганиш, шунингдек гемофилияли беморларда даволаш ўтказилгунча ва ундан кейин остеопорозни махсус маркерларини ўрганиш, Ўзбекистонда гемофилияли беморлар орасида остеопорозни тарқалишини текшириш натижалари тақдим этилган. Гемофилияли беморларда остеопороз маркерларини ўтказилган текшириш натижаларидаги ўзгаришларининг таҳлили келтирилган.

Гемофилияли текширилган беморлар орасида остеопорозни минтақавий тарқалишини текшириш ўтказилди. Гемофилияли текширилган беморлар республика вилоятлари бўйича нотекис тақсимланган (1 расм).

Фоиз нисбатида гемофилияли беморларнинг энг катта улуши Тошкент шаҳрида (17,9) ва Тошкент вилоятида (18,8%) аниқланди, сўнгра камайиб бориш даражаси бўйича қуйидагича бўлди: Самарқанд шаҳри (18,8%), Бухоро (17,1%), Қашқадарё (9,4%), Жиззах (9,2%), Фарғона (8,5%), Тошкент вилоятлари. Гемофилияни ўртача даражада аниқланиш ҳолатлари Андижон

(6,9%), Наманган (12,6%) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (8,7%) ва Сурхондарё вилоятларида (5,4%). Бунда “А” гемофилияли беморларнинг энг кам кўрсаткичи (4,1-3,3 %) Навоий (3,3%), Сирдарё (5,3%) ва Хоразм вилоятларида (6,3%) аниқланди.




1-расм. Вилоятлар бўйича “А” ва “В” гемофилияли беморларни тақсимланиши (%)

Умуман олганда “В” гемофилияси сезиларли даражада кам миқдорда аниқланди. Бунда гемофилия “В” нинг аниқланиш ҳолатини энг юқори фоизи Тошкент шаҳрида (5,4%), Тошкент вилояти (5,4%), Фарғона (5,1%), Самарқанд (5,0%), Андижон (5,3%), Қашқадарё (4,3%), Бухоро (4,1%), Сурхондарё (4,3%) вилоятларида аниқланди. “В” гемофилия ҳолатини сезиларли даражада кам фоизлари Сирдарё (2,1%), Хоразм (2,5%), Қорақалпоғистон Республикасида топилди (2,3%).

Шунингдек Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги беморлар орасида остеопорозни тарқалиш сонини турли даражаси текширилди (2-расм).

Ўтказилган текширишлар кўрсатдики, остеопороз кўринишида намоён бўлувчи суяк тўқимасини минерал зичлигини пасайишини энг юқори фоизлари Тошкент шаҳрида (81,8%), Тошкент вилоятида (79,8%), Хоразм (77,6%), Навоий (80,8%) вилоятларида ва камайиб бориш даражаси бўйича Наманган (67,9%), Андижон (65,7%), Самарқанд шаҳри (60,6%), Жиззах (59,2%), Сирдарё (55,2%), Сурхондарё (50,7%) ва Қашқадарё (48,2%) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (47,8%) аниқланди. “А” гемофилиясида остеопороз ҳолатни энг кичик фоизлари Бухоро (44,8%) ва Фарғона (43,0%) вилоятларида аниқланди.



2-расм. Вилоятлар бўйича “А” ва “В” гемофилияли беморлари орасида остеопорозни аниқланиш сони (%)

“В” гемофилиясида остеопороз Тошкент шаҳрида (78,5%), Тошкент вилоятида (83,2%), Қорақалпоғистон Республикасида (73,2%), Наманган (67,9%), Фарғона (63,6%), Хоразм (69,8%) ва Навоий (68,6%) вилоятларида топилди. Шунингдек “В” гемофилиясида остеопороз бошқа вилоятларда ҳам аниқланди: Сурхондарё (49,5%), Сирдарё (51,2%), Самарқанд (39,6%), Бухоро (50,0%), Жиззах (41,8%), Андижон (33,7%), Қашқадарё (29,6%).

Шундай қилиб, истиқомат қилиш жойига боғлиқ ҳолда гемофилияли беморларда остеопорозни тарқалишини ўрганиш кўрсатдики, деярли 50% беморлар Тошкент шаҳрида (81,8%) ва Тошкент вилоятида (83,2%) аниқланди, бу уларни шунингдек бошқа вилоятлардан миграцияси билан боғлиқ. Эҳтимол бу яна шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилувчиларда, мамлакатнинг узоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига нисбатан текширувлардан ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Бир томондан бу уларни ихтисослаштирилган даволаш муассасаларига янада фаол мурожаатлари билан тушунтирилса, бошқа томондан бошқа ҳудудларда истиқомат қилувчилар вақт ўтиши билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига кўчиб ўтади ва шу билан “А” гемофилияси, шу қаторда остеопорозли беморларнинг мутлоқ сони ортади.

Бизлар томонимиздан текширилган беморлар касаллигини клиник кўринишида гемофилия белгилари устунликка эга бўлди. Энг кўп учраган

белги бўлиб шикастланиш (64%) ёки ўз ўзидан (36%) юзага келиши билан боғлиқ бўлган турли орган ва тўқималардан қон кетиши бўлди. Ёш катталаниб борган сари қон кетиш тавсифи ўзгарди: кўпинча узоқ ва кучли қон кетиши кузатилди. Бироқ профуз қон кетишлар катта ёшли беморларда ҳам, болаларда ҳам юзага келди.

Геморрагия энг кўп бўғимларда – 47%, тери ости ва мушакларда – 23% юзага келди. Бурун ва милклардан тез-тез қон кетиши 12,1% кузатилса, гематурия – 6,8%, қорин орти ва меъда-ичаклардан қон кетиши – 8,4% беморларда юзага келди (1-жадвал).

Беморларда таянч-ҳаракат аппаратини шикастланиши жуда ҳам турли туман бўлди: бу асосан бўғимлар, суяк ва мушакларга қон қуйилиши билан намоён бўлади. Одатда бўғимларга биринчи қон қуйилиши қандайдир жароҳатдан сўнг юзага келди. Такрорий гемартрозлар мустақил ҳолда, ҳеч бир сабабсиз, баъзида ҳатто бемор ўрнида ётганида ва уйқусида юзага келади. Бу шу билан тушунтириладики, бўғимга қон қуйилиши натижасида сезиларли ўзгаришлар юзага келади, улар эса ўз холича такрорий геморрагияларни ривожланишга сабаб бўлади.

Бўғимларнинг шикастланишини оғирлик даражасини Е.А. Распопова [1997] томонидан тавсия этилган уч балли тизим бўйича ўтказилди, унга кўра ўткир ва қайталанувчи гемартроз учун 1 балл, сурункали гемосиновит – 2 балл, деструктив-геморрагик остеоартрознинг барча кўринишлари учун – 3 балл қабул қилинди.

Маълумотларнинг таҳлили гемофилияни кечиш оғирлиги ва бўғимларни шикастланиш даражаси ўртасидаги қонуниятни аниқлади. Демак, бир нафар бемор учун бўғимларнинг шикастланишини ўртача сони касалликни оғир шакли, енгил шаклига нисбатан деярли 4 марта юқори бўлди, бир нафар беморга (балларда) бўғимларни шикастланишини оғирлиги енгил шаклда 1,5 мартагача, ўта оғир шаклда эса 12,7 мартагача ортади. Мос ҳолда таянч-ҳаракат аппаратининг дисфункцияси ортади.

Гемофилик артропатиянинг юзага келиши ва ривожланишининг асосий бошланғич механизмларидан бири бўлиб, жароҳат натижасидаги гемартроз ҳисобланади. Унинг аҳамиятини анамнестик маълумотлар – болани юришга ўргатиш давридаги биринчи гемартрозни пайдо бўлиши, кўпроқ энг кўп механик ва статик юкломани бажарувчи бўғимларни (тизза, тирсак, болдиртовон) шикастланиши кўрсатади.

Мазкур бўлимнинг асосий вазифаси гемофилияли беморларда суяк тўқимасининг минерал таркибини пасайишига боғлиқлигини кузатиш бўлиб ҳисобланади.

Одатда, гемофилияли беморларда остеопороз, остеоартроз фонида ривожланади (3-расм).



3-расм. Остеопорозли беморларда суяк тўқимасининг минерал таркибини (СТМ) пасайиши ва артрози

Ўтказилган денситометрия натижалари бўйича ҳар икки гуруҳда СТМнинг сезиларли камайиши олинди. Биринчи гуруҳ учун гемофилияли беморларда суяк массасини камайиш медианаси 61,7%ни ташкил этди (Т-мезон 3,0 SD ни ташкил этди), иккинчи гуруҳда эса - 62,3% (Т-мезон 2,8 SDни ташкил этди).

Бу соғлом популяциядаги суяк тўқимасининг ёшга боғлиқ бўлган массаси билан солиштириш бўйича гемофилияли беморлар суякларида остеопоротик жараёнларни сезиларли пайдо бўлишидан гувоҳлик беради. Гемофилияли беморларда остеопорозни ривожланишида биринчи ўринда гемофилик артропатия билан боғлиқ бўлган касалликларнинг белгилари чиқади.

Гемофилияли беморларда коагулологик ҳолатини аниқлаш учун 3- та ҳар хил турдаги гуруҳлар (текширилганлар сони бўйича) вакилларида коагуляцион кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди: 1-гуруҳ – соғломлар (20 донорлар), 2-гуруҳ – 100 гемофилия “А” билан оғриган беморлар, 3-гуруҳ – 20 гемофилия “В” билан оғриган беморлар.

2- ва 3- гуруҳларга 1-3% чегарасидаги VIII ва IX омиллар даражасида касалликни оғир шакли билан оғриган беморлар киритилди.

Бизлар томонимиздан кузатилган “А” ва “В” гемофилияли барча беморларда капилляр қоннинг ивиш вақти бузилган (10 дақиқадан ортиқроққа ошган) ва уларни статистик қайта ишлашни имкони бўлмади (унинг меъёрий кўрсаткичларида $235,16 \pm 9,12$ с) (2-жадвал).

“А” ва “В” гемофилияли беморларда плазма-коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткичлар:	Соғлом, (n=20) 1-гурух	Гемофилия «А», (n=105) 2-гурух	Гемофилия “В”, (n=15) 3-гурух
Тромбоцитлар сони, ×10 ⁹ /л	214,3±5,3	210,2±3,2 p ₂₋₁ >0,05	216,5±7,7 p ₃₋₁ >0,05, p ₂₋₃ >0,05
Қонни ивиш вақти, с	6,0±0,2	более 10 мин 17,1±0,4	более 10 мин 15,3±1,24
АПТВ, с	40,2±0,5	112,7±2,9 p ₂₋₁ <0,001	108,6±7,43 p ₃₋₁ <0,001, p ₂₋₃ >0,05
ПТИ, %	99,9±2,3	89,2±2,2 p ₂₋₁ <0,001	91,9±6,35 p ₃₋₁ <0,05, p ₂₋₃ >0,05
Фибриноген, г/л	3,22±0,12	3,99±0,10 p ₂₋₁ <0,001	3,87±0,28 p ₃₋₁ <0,001, p ₂₋₃ > 0,05
Тромбинланиш вақти, с	14,0±0,34	13,6±0,32 p ₂₋₁ >0,05	13,2±0,98 p ₃₋₁ >0,05, p ₂₋₃ >0,05
VIII омил (%)	94,8±5,1	1,6±0,04 p ₂₋₁ <0,001	86,5±5,57 p ₃₋₁ >0,05, p ₂₋₃ >0,05
IX омил (%)	79,6±3,9	62,1±1,5 p ₂₋₁ >0,05	2,1±0,16 p ₃₋₁ >0,05, p ₂₋₃ >0,05

Изох: p₂₋₁, p₃₋₁ – назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик коэффиценти; p₂₋₃ и p₂₋₁–киёсий гуруҳга нисбатан ишончлилик коэффиценти.

2 ва 3 гемофилияли беморларнинг скрининг коагулограмма кўрсаткичлари қонни ивишини I фазасида прокоагулянтлар (VIII ва IX омиллар) танқислиги ҳисобига ички йўналиш орқали яққол намоён бўлган гипокоагуляция бўйича гувоҳлик беради.

2- ва 3- гуруҳ беморларида АПТВ 70 дан 200 секундгача ва ундан юқори чегараларда бўлди (меъёрда 40,2±0,34 с) (p₂₋₁<0,001, p₃₋₁<0,001). Яъни, “А” ва “В” гемофилияли беморларда АПТВ маълумотлари бўйича қонни ивиш вақти меъёрдан 2-5 марта юқори бўлди.

Барча учта гуруҳ беморларида протромбин индексининг кўрсаткичлари, гарчи назорат билан солиштиришда ишончли равишда ўзгарган бўлса ҳам (1-гуруҳ) (p₂₋₁< 0,001, p₃₋₁< 0,001, мос ҳолда), меъёр чегарасида қолди.

Худди шу ҳолат мос равишда “А” гемофилияли (p₂₋₁<0,001) ва “В” гемофилияли (p₃₋₁<0,001) беморларга ҳам таълуқли бўлди. Мазкур кўрсаткичнинг ўртача статистик белгилари меъёрий белгилар диапазонида жойлашди ва қиёсий гуруҳдаги ўзгаришлар ишончли бўлмади (p₃₋₁<0,001).

Ҳар икки гуруҳдаги беморларда тромбин вақтининг ўртача белгиси назоратдан фарқ қилмади (млс ҳолда p₂₋₁>0,05, p₃₋₁>0,05). Яъни, қоннинг КИВ

ва АПТВ умум коагуляцион потенцилини тавсифловчи кўрсаткичларини ўзгариши бўйича “А” ва “В” гемофилиясига шубҳа қилиш мумкин.

“А” ва “В” гемофилия беморларида F-VIII ва F-IX даражасини таҳлилини кўрсатишича натижалар назорат белгиларидан деярли 90 мартадан ошди (мос холда $p_{2-1} > 0,05$ ва $p_{3-1} > 0,05$).

Шундай хулоса қилиш мумкинки, “А” ва “В” гемофилияли беморлар қонини коагуляцион потенциални баҳолаш учун хос бўлган лаборатор белгилари бўлиб капилляр қоннинг ивиш вақти ва парциал тромбoplast вақтни фаоллаштириш, шунингдек FVIII ва FIX даражаларини миқдорий аниқлаш ҳисобланади.

Бизлар томонимиздан “А” ва “В” гемофилияли беморлар периферик қонининг кўрсаткичлари ўрганилди. Тадқиқот натижалари бўйича беморлардаги эритропоэз кўрсаткичлари “А” гемофилияли беморларда эритроцитлар миқдорини камайиши билан тавсифланди ва $2,88 \pm 0,75 \times 10^{12}/л$ ни ташкил этди, бу назорат гуруҳи билан солиштириш бўйича ишончли пасайиш демакдир (3-жадвал).

3-жадвал

“А” ва “В” гемофилияли беморларининг периферик қон кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Назорат (n=20)	Гемофилия «А» (n=105)	Гемофилия “В” (n=15)
Гемоглобин, г/л	120,7±0,6	92,3±1,09 ¹	98,6±3,38 ^{1,2}
Эритроцитлар, $\times 10^{12}/л$	4,2±0,05	3,75±0,05 ¹	3,8±0,12 ^{1,2}
Ранг кўрсаткич	0,86±0,01	0,74±0,01	0,78±0,02
Ретикулоцитлар	5:1000 5,0±0,63	7:1000 ¹ 7,2±0,24	5:1000 5,2±0,61
Тромбоцитлар, $\times 10^9/л$	233,5±6,2	225,3±3,6	215,4±6,3
Лейкоцитлар, $\times 10^9/л$	4,7±0,3	5,42±0,15	6,01±0,42
Таёқча ядроли нейтрофиллар, %	2,1±0,26	2,36±0,12	2,6±0,36
Сегмент ядроли нейтрофиллар, %	65,0±1,4	59,2±0,6	60,1±2,0
Эозинофиллар, %	2,0±0,38	2,3±0,16	3,02±0,52
Базофиллар, %	0,2±0,06	0,02±0,010	0,29±0,07
Лимфоцитлар, %	26,2±1,4	32,0±0,6	29,1±1,7
Моноцитлар, %	4,5±0,4	4,2±0,2	4,8±0,5
Плазматик хужайралар, %	0,1±0,04	0,03±0,01	0,1±0,05
ЭЧТ, мм/соат	4,22±0,23	8,6±0,26	7,2±0,9

Изох: “А” ва “В” гемофилияли 1-назорат белгилари ва 2-гуруҳ белгилари билан солиштириш бўйича фарқлар ишончли ($P < 0,05$).

“В” гемофилияли беморларда эритроцитлар миқдори $3,08 \pm 0,15 \times 10^{12}/л$ ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса эритроцитлар миқдори

$4,22 \pm 0,37 \times 10^{12}/л$ га тенг бўлди. Гемофилияли беморларда камқонликнинг оғир даражаси кўпинча гемофилиянинг оғир шакли билан оғриган ва анамнезида турли геморрагик синдромларга эга бўлган беморларда ташхисланди.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, гемофилиянинг оғир шаклида кўпинча оғир даражадаги постгеморрагик ва темир танқислик камқонлиги қайд этилади.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида гемофилияли беморлар суякларининг метаэпифизларида остеопения ва остеопорозни ривожланиш ҳавф омилларидан ташкил топган, қон зардобадаги кальций (Са) ва бошқа биокимёвий таҳлил параметрларининг миқдори аниқланди.

Демак, суякларини синиш ҳавфи бўлган гемофилияли беморларда, умумий ва ионланувчи кальций миқдори, остеопорозсиз беморларга нисбатан мос ҳолда 20,0% ва 14,2% ($p_1 < 0,0001$) юқори бўлди, фосфор миқдори эса синиш хавфсиз бўлган гемофилик-беморларга нисбатан 22,9% ($p_1 < 0,01$)га кам бўлди.

Шунингдек синиш хавфи мавжуд бўлмаганда, ишқорий фосфатазанинг янада юқори фаоллиги қайд этилди, бу суяклар метаболизмида асосий аҳамиятга эга бўлган фермент тизимни камайиб кетишини кўрсатади. Бунда шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар икки қиёсий гуруҳларда ишқорий фосфатазанинг миқдори физиологик меъёрлар чегарасида бўлди. Демак, остеопорозли беморларда ишқорий фосфатазанинг миқдори 8,8% га паст бўлди ($p_1 < 0,05$).

Витамин Д даражасини тадқиқ қилиш остеопорозни мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги аниқланган гуруҳлар ўртасидаги унинг концентрациясида статистик аҳамиятли ўзаро алоқа мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Суяк тўқимасининг турли минерал зичлиги бўлган гемофилияли беморлар гуруҳини қиёслаш натижасида олинган маълумотлар, суяк метаболизмининг асосий биокимёвий индикаторлари даражасида аҳамиятли фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

Даволаш самарадорлигини ўрганиш кўрсатдики, бошиданок суяклар синишининг юзага келиш хавфига эга бўлган остеопорозли беморларнинг кичик гуруҳида (II кичик гуруҳ) ўтказилган стандарт антирезорбтив даволаш курсидан кейин суяклар метаболизмини тавсифловчи биокимёвий таҳлил кўрсаткичлари даволашгача бўлган кўрсаткичлар билан солиштирилганда статистик аҳамиятли бўлди (4-жадвал).

Демак, даволашдан кейин 6 ой ўтиб, қон зардобадаги умумий кальций концентрацияси 20,8% га паст ($p_1 < 0,0001$), ионланувчи кальций – 24,8% га паст бўлди, бу вақтда эса фосфор худди ишқорий фосфатаза каби миқдори – 24,3% га юқори ($p_1 < 0,0001$), ишқорий фосфатаза эса 52,5% га ортиқ бўлди. Шунингдек витамин Д миқдорини янада юқори 78,2% ($p < 0,0001$) бўлиши қайд этилди.

**Стандарт антирезорбтив даволашгача ва ундан кейин остеопорозли
гемофилия беморларида биокимёвий таҳлил натижалари (M±m)**

Кўрсаткичлар	Остеопорозли		t	p	95% CI:
	Дастлабки кўрсаткичлар, n=93	Даволашдан сўнг 6 ой ўтиб (стандарт даволаш) n=40			
Са, ммоль/л (2,15-2,55)	2,5±0,05*	1,9±0,04*	7,43	<0,0001	0,44 – 0,76
Са ²⁺ , ммоль/л (1,03-1,29)	1,37±0,01*	1,03±0,02	16,92	<0,0001	0,30 – 0,38
Р, ммоль/л (0,81-1,62 ммоль/л)	3,7±0,08*	4,6±0,10	-6,5	<0,0001	-1,17 - - 0,63
ИФ, Ед/л (U/L) (м: 80-306/ ж: 64-306)	249,3±5,0*	380,3±10,2	- 12,93	<0,0001	-151 – -111
Вит Д, нг/мл (30.00-100.00)	13,3±0,3	23,7±0,7	- 16,07	<0,0001	-11,68 – - 9,12

Изох: * – I гуруҳдан олинган якуний маълумот натижалари билан солиштирилганда фарқлар ишончлилиги.

Кальций миқдорини янада камлиги суяк метаболизмининг маркерларини сақланишидаги фарқларни, мазкур микроэлементни суяк тўқимаси таркибига янада жадал киритилиши билан фарқ қилади.

Фосфор миқдорини ортишини суяк метаболизмидаги микроэлементлар миқдорини вақтинча юзага келадиган дисбаланси билан тушунтириш мумкин, бу шунингдек, балки даволаш курси ўтказилгандан кейин келиб тушган витамин Д билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Юқорида баён этилган фарқлар ўтказилган даволаш курсидан кейинги маълум даражадаги дисбаланси мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Бунда ҳар икки гуруҳда текширилган кўрсаткичларнинг белгилари референс диапазон чегараси доирасида жойлашади. Текширилганлар қонида кузатилган минерал моддаларнинг юқори миқдори вақтинчалик бўлиб ҳисобланади ва минерал моддаларнинг латент танқислигини олдиндан белгиланиши билан боғлиқ бўлган, микроэлементларни ўзлаштирилиши, тўйинганлигидаги фарқлар билан боғлиқ бўлади. Юқори даражада ўзлаштириш фонида олиб борилган даволаш беморлар қонида микроэлементлар, ишқорий фосфатаза ва витамин Д ни янада юқори даражаси билан боғлиқдир. Бунда шунингдек гемофилияли беморлар гуруҳида текширилган моддалар концентрациясини қонида худди шундай ортишини келтириб чиқармайдиган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Даволашдан олдин ва кейин текширилган кичик гуруҳлардаги биокимёвий таҳлил натижалари кўрсатдики, СТМни пасайиши, остеопорозсиз, синишлар хавфи бўлмаган гемофилияли беморларда статистик аҳамиятли фарқлар қайд этилди.

Даволашдан кейинги беморлар гуруҳида умумий кальций концентрацияси 15% ($p_1 < 0,0001$) га ошиб статистик аҳамиятли бўлди, ионланган кальций эса – 20,8% га ошди, даволашдан сўнг фосфорнинг миқдори статистик аҳамиятсиз бўлди ($p_1 > 0,05$). Ишқорий фосфатазанинг фаоллиги ошди ва суяк синиши хавфи бўлган гемофилияли беморларга нисбатан 48,6% ($p_1 < 0,0001$) кўтарилди, бу суякда метаболизм жараёнлари фаоллигини ошиши ва суяк тўқимасини қайта қурилишидан гувоҳлик беради.

Витамин Д миқдори шунингдек ўтказилган, уни киритилиши буюрилган стандарт даволаш курсидан сўнг ошди ва даволашгача бўлганга нисбатан 71,2% ($p_1 < 0,0001$) га юқори бўлди, бу биринчи навбатда даволаш вақтида уни ташқаридан киритилиши билан боғлиқдир.

Стандарт антирезорбтив даволаш ўтказилгунча ва ундан кейин суяк синишларининг хавфи ва остеопорозли гемофилия беморларида натижаларни қиёслаш ўтказилди.

Ўтказилган даволашлар қон зардобида умумий кальций даражасини ортишига олиб келди: даволашдан сўнг кальцийнинг концентрацияси, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,5% ($p_1 < 0,0001$) юқори бўлди. Бунда фосфорнинг концентрацияси аҳамиятли ўзгаришга учрамади. Фақат, остеопорозсиз гемофилияли беморлар қонида фосфор миқдорини ортиш тенденцияси қайд этилди. Шу билан бир вақтда ишқорий фосфатаза 6,9% ($p_1 < 0,05$)га аҳамиятли ортиши қайд этилади, бу умуман метаболизмни фаоллаштиришдан ва қисман суяк тўқимасида метаболит фаолликни ортишидан гувоҳлик беради.

Шунингдек даволашгача бўлган остеопорозли гемофилия беморларининг кичик гуруҳи билан солиштириш бўйича, витамин Д концентрациясини ($p_1 > 0,05$), статистик аҳамиятсиз ортиш тенденциясини кузатилади.

Шунингдек мажмуавий даволаш ўтказилишидан олдин ва кейин суяк синиши хавфи бўлмаган гемофилияли беморлар қонининг биокимёвий кўрсаткичларини қиёсий таҳлили ўтказилди.

Даволаш мажмуасини қабул қилгандан сўнг суяк синиши хавфи бўлмаган гемофилияли беморларда умумий кальций даражаси 22,1% га юқори ($p < 0,05$), ионлангани эса 8,2% га юқори бўлди. Даволаш мажмуаси ўтказилгандан сўнг зардобдаги фосфор концентрацияси 7,9% га ошди.

Ишқорий фосфатаза концентрацияси сезиларли, 49,8% ($p < 0,05$) га ошди, бу даволаш мажмуаси ўтказилгандан сўнг суяк тўқимасида ремоделирланиш жараёнлари фаоллигини ошганлигини кўрсатади.

Даволаш мажмуаси ўтказилгандан сўнг суяк синиши хавфи бўлмаган гемофилияли беморларда Д витаминининг концентрацияси 2,2 мартага

($p < 0,05$) ошди, бу ҳам шунингдек суяк тўқимасини шакллантиришда ижобий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

